

ИЛМ-ФАН ВА ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 май куни илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини ошириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Натيجида илмий фаолият, халқаро илмий нашрлардаги мақолалар сони ҳамда юқори рейтингга эга журналларда чоп этилаётган тадқиқотлар улуши изчил ўсиб бормоқда.

Бунда устувор йўналишлардаги докторантлар стипендиясини 1,7 баробар охириш ҳамда илмий тадқиқотларда зарур бўлган асбоб-ускуна ва реагентлар хариди учун ҳар йили қўшимча маблағ ажратиб бориш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, илмий раҳбарлар масъулияти уларни рағбатлантириш механизминини кучайтириш таклифи қилинди. Эндиликда муваффақиятли ҳимоя қилинган диссертациялар бўйича илмий раҳбарларнинг халқаро илмий фаолият кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда натижага йўналтирилган рағбатлантириш тизимини жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Яна бир муҳим йўналишлардан бири — Олий аттестация комиссияси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича янги ёндашулар таклиф этилди. Бунда Олий аттестация комиссияси фаолиятини Фанлар академияси тизимида ташкил қилиш, илмий кенгашлар масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, илмий даража бериш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш орқали ортинча буюқлик тартиб-таомилларни қисқартириш таклифи қилинди.

Шунингдек, илмий даража бериш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш орқали ортинча буюқлик тартиб-таомилларни қисқартириш таклифи қилинди.

➤ **Давоми 2-бетда**

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРДАН БИРИ

Президент Шавкат Мирзиёев сув фонди ерлари ҳамда сел сувларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йўналиш ўтказди.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригация тармоқларини модернизация қилиш ва сув тежамкорлигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, юртимиздаги 150 минг километр дарё ва канал ўзанларини бетонлаш ишларининг бошлангани натижасида йилга 1,3 миллиард куб метр сув тежалмоқда. Бу Навоий вилоятининг бир йиллик сув истеъмолига тенг. Шу кунга қадар 2 минг километр магистрал канал бетонлаштирилди, 721 километр канал, 525 километр лоток ва ёпиқ тармоқлар қурилди. Ушбу мақсадларда 3 триллион сўм ажратилди. Натيجида 858 минг гектарда сув таъминоти яхшиланиб, 51 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилди.

Ингиликда сув инфратузилмасини нафақат техник объект, балки иқтисодий актив сифатида кўриш зарурлиги таъкидланди. Бугун дунёда дарё, канал, сув омборлари ва қўллар бўйида туризм, дам олиш, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик ҳудудларини ташкил этиш катта иқтисодий йўналишга айланган.

Бундай лойиҳалар кўчмас мулк ва ер участкалари қийматини ошириш, туман ва шаҳарлар иқтисодий жонлантириш, ички туризм ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда

экологик барқарорликни яхшилашга хизмат қилади.

Жаҳон таърихида сув инфратузилмаси атрофида туризм лойиҳаларига киритилган 1 доллар сармоянинг иқтисодий қайтими 3-10 доллар атрофида баҳоланади.

Шу боис, мутасаддилар ва ҳокимлар сув инфратузилмасини иқтисодий самара берадиган лойиҳаларга айлантириш устида тизимли ишлаш зарурлиги қайд этилди.

Бунинг учун қатор янги имкониятлар яратилди. Жумладан, қирғоқлар ювилиши ва сув босишига сабаб бўлаётган қум-шағални қазиб олишга рухсат берилади. Сув ва сел-сув омборлари, канал, коллектор, табиий қўл ва гидротехника иншоотларини тупроқдан тозалаш ишларига тадбиркорлар теңдерсиз жалб қилинади. Сув ва сел-сув омборларида сувдан бўшаган ерлар экин экиш учун аукцион орқали ижарага берилади.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда маъзур имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Сув фондида тегишли участкаларда тадбиркорлик, туристик ва кўнгилолчар объектлар қуриш имконияти бўлган 100 минг гектар ер майдони аниқланган. Ушбу ерларда 100 минг аҳолининг бандлигини таъминлаб, йилга 220 миллиард сўм қўшимча даромад манбаини яратиш мумкин.

➤ **Давоми 2-бетда**

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда молиявий хизматлар оммабоплигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодийдаги улушини ошириш, улар учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш Янги Ўзбекистон ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда бу борада қатор дастурлар амалга оширилиб, тадбиркорларга кредит, компенсация, кафилик ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари кенгайтирилди. Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий хизматлардан фойдаланишида ҳали ҳам айрим тўсиқлар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесга ажратилган кредитлар портфели 218 триллион сўмни ташкил этмоқда. Бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12 фоизга тенг. Шу билан бирга, онлайн тарзда ажратилаётган таъминотсиз микрокредитлар улуши кам. Таъминотсиз онлайн микрокредит ажратиш жараёни ўртача 7 кунгача вақт олмақда. Тадбиркор кредит олиш учун бир нечта банк таклифларини бир жойда кўриш, солиштириш ва ўзига мақбул шартларни танлаш имкониятига эга эмас.

Шу муносабат билан тақдимотда рақамли молиявий платформани ишга тушириш таклифи қилинди. У орқали тадбиркор кредит олиш учун ариза беради, бир нечта банклардан тижорат таклифларини олади, уларни таққослаб, ўзига қулайини танлайди.

Платформа “Электрон ҳуқуқ” тизимининг рақамли маълумотлар базалари билан интеграция қилинади. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига оид маълумотлар автоматик равишда олиниб, банкларга тақдим этилади. Бу кредит бериш жараёнида ҳужжат йиғиш, ортинча вақт сарфлаш ва инсон омиллини камайитиришга хизмат қилади.

2026 йил 1 декабрдан бошлаб платформа доирасида сунъий интеллект технологиялари элементларидан фойдаланган ҳолда муқобил скоринг модели жорий этилади.

Аънавий скоринг асосан кредит тарихига таянса, муқобил скоринг бизнес фаолиги, коммунал тўловлар, айланмалар, солиқ ва бошқа рақамли маълумотларни ҳам ҳисобга олади. Бу кредит тарихи мавжуд бўлмаган тадбиркорларни ҳам баҳолаш, уларга молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга йўл очади.

Шунингдек, келгусида сунъий интеллект асосида тадбиркорнинг кредит тарихини яхшилаш, хатарларни баҳолаш ва бизнесни ривожлантириш бўйича тавсияларни шакллантириш имконияти яратилади.

Тижорат банклари томонидан “AI маслаҳатчиси” дастурини ишга тушириш ҳам назарда тутилмоқда. Мазкур дастур маҳаллалар ихтисослашуви ва ўсиш нуқталарини ҳисобга олган ҳолда бизнес юзларини ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш имкониятларини аниқлашга кўмаклашади.

Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ҳам қўшимча энгилликлар белгиламоқда. Аввал дастур доирасида микрокредитдан фойдаланган ва ижобий кредит тарихига эга тадбиркорлар учун микрокредитнинг гаровсиз қисми 100 миллион сўмдан 200 миллион сўмгача оширилади.

Қолаверса, кредит еки лизинг миқдоридан қатъи назар, унинг 5 миллиард сўмгача бўлган қисми учун фозис харажатлари компенсация қилинади.

Ҳар йили ўз фаолиятини кенгайтирган ва юқори натижа кўрсатган 100 та тадбиркорлик субъектига рақамлаштириш, халқаро стандартлар ва “яшил” технологияларни жорий этиш билан боғлиқ харажатлар учун 300 миллион сўмгача грант ажратиш таклифи қилинди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни маъқуллаб, кредит тарихига эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес субъектларига молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, платформа хавфсизлиги ва маълумотларнинг ҳимояланганлигини таъминлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

➤ **А**

ЯНГИ УЙҒОНИШ ФАСЛИ ҲАЙРАТЛАРИ

“Юрт қайғусида 365 кун” китобини ўқиб...

Фаровонлик харитаси


Учинчи минг йилликда яшамокдамиз. Умримизнинг муайян қисми иккинчи минг йилликда кечганини эслаганда эса, юзимизда ёқимли ҳайрат пайдо бўлади. Ахир бир эмас, инсоният тарихининг иккита минг йиллигида яшаш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди-да. Шундай экан, “Ўтган минг йилликда ким эдигу бугун ким бўлди? Дунёқарашимиз, яшаш тарзимизда қандай ўзгаришлар юз берди? Фарзандларимиз тўғри воға етмоқдами, улардан кўнглимиз тўқми?” каби саволларга дуч келишимиз табиий.

Бунинг ажабланидан жойи йўқ. Чунки кўз юмиб очгунча янги асрнинг дастлабки чораги ҳам ортда қолди. Йиллар шиддати тезлашгандай гўё. Азизиддин Насафий ҳазратлари уқтирганидек, дунёнинг ўзи тинимсиз ҳаракатда ва айланишдадир. У тўлқин янглиг гўё ажланиб, гўё сокин тортиб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб турибди. Воқеа-ҳодисалар, бурилиш ва янгилианишлар занжирини бир-бирига улашиб бораётган. Тун қоронғилиги тонги шафакда ўрин беришда, ногаҳоний довулдан сўнг эса майин шабада эсишда давом

этноқда. Бу мангу тартиботга ҳеч нарса таъсир ўтказма олмайди.

Инсон мана шу илоҳий тақдир ичда яшайди. Ҳар баҳорни, ҳар ёруғ кунни, ҳар янги фаслни умид билан кутиб олади. Дуога қўл очиб, Яратгандан эл-юртга тинчлик-хотиржамлик, болаларига ризқ-насиба сўрайди, экин даласига уруғ сочади, ерга ниҳол қадайд.

Ўтган икки минг йилликнинг ўз солномаси бор. Икки буюк уйғониш, икки машъум қирғинбарот айнан шу даврда юз берди. Мирзо Улугбекнинг ўткир нигоҳи



олис юлдузларгача етиб борди, Инсон Ойга кўнди, Марсга ўзинор машиналар юборди. Китоб ихтиро қилинди. Шу билан бирга, европалик солибчиларнинг қонли юришларида мусулмон олимлари ёзган бир миллионга яқин нодир китоб ёқиб юборилди. Ядро қуроли кашф этилди, босқинчилик курашлари авж олди.

➤ **Давоми 3-бетда**

“МИЛЛАТ ШАВКАТИ” – ЎТМИШ САБОҒИ ВА БУГУНГИ ҲАҚИҚАТ ИФОДАСИ

Муносабат

Сиёсатшуннос Қудратилла Рафиқовнинг “Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган “Миллат Шавкати” номли мақоласи кенг жамоатчиликда катта кизиқиш уйғотмоқда. Зеро, унда сўнгги йилларда Самарқанд ҳаётида юз бераётган катта ўзгаришлар ҳаётини мисоллар орқали ифода этилган.

Ушбу мақолани ўқиб, Самарқанд таърифи орқали гўё Ўзбекистон тарихига қайта назар ташлагандек бўлдим. Зеро, унда Самарқанднинг Амир Темур, Баходир Ялангтўш даври ҳамда XIX–XX асрлардаги ижтимоий-сиёсий манзараси таҳлил қилинган. Давлатимиз раҳбарининг Самарқандга ҳокимлик йилларида қўрсатган шижоати, бунёдкорлик ишларини



ўқиб, бугунги ислохотларнинг илдизи ўша даврларга бориб тақалишига ишонч ҳосил қиласиз. Муаллифнинг “Янги раҳбар илк иш қунини Самарқанд халқаро аэропортидаги ҳолатни кўздан кечиришдан бошлади. Ўшанда бир гуруҳ фаоллар ҳамроҳлигида йўл-йўлақай кўчама-кўча, маҳаллама-маҳалла пиёда айланиб, ҳудуднинг

ҳақиқий аҳвали, одамларнинг кундалик дарду ташвишларини бевосита синчиклаб ўрганди”, дея қайд этишидан ҳам Президентимизнинг бугунги янгилиниш, соҳаларда туб ислохотларни амалга ошириш ишлари, бунёдкорлик ҳаракати борасидаги теран фикрларни ҳар доим бўлганини англаш қийин эмас.

➤ **Давоми 3-бетда**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ДУНЁГА ТАРАННУМ ЭТУВЧИ ОЛТИН АВЛОД



Битирувчи — 2026

Юртимиз бўйлаб жаранлаган сўнгги кўнгирик садолари минглаб ёшлар ҳаётида унутилмас саҳифани бошлаб берди. “Сўнгги кўнгирик” тадбирлари нафақат байрамона руҳ, балки катта масъулият ва орзу-мақсадларга тўла муҳитда кечди. Қалбида катта умид билан янги ҳаёт сари интилаётган ёшлар учун бу кун болалик билан хайрлашув, орзуларга яқинлашув рамзи бўлди. Ана шундай ҳаяжонли паллада Президентимизнинг битирувчиларга йўллаган табриги уларга янада куч, ишонч ва илҳом бағишлади.

Давлатимиз раҳбари мактаб остонасидан мустақил ҳаёт сари қадам қўяётган битирувчиларни янги Ўзбекистоннинг таянчи, Учинчи Ренессанс бунёдкорлари деб атади. Шунингдек, ёшларга билдирган самимий тилакларидан уларни Ватанга

садоқатли, билимли ва ташаббускор инсонлар бўлишга чақирди. Зеро, бугун мактабни тамомлаётган ёшлар мамлакат келажини белгилайдиган кучдир.

➤ **Давоми 5-бетда**



Маълумотларга кўра, 2025 йилда Конституциявий судга 2000 га яқин мурожаат келиб тушган. Уларнинг 15 фоизи бевосита Конституциявий суд ваколатига тегишли бўлган. Бу кўрсаткич фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш механизмларидан фойдаланишга эҳтиёжи ортиб бораётганини кўрсатади.



ИЛМ-ФАН ВА ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, ҳозирги кунда диссертация ҳимояси жараёнида амал қилаётган тартиб-таомилларнинг 50 фоизи рақамлаштириш ҳисобидан қисқартирилди.

Мазкур жараёнда кўп сонли ҳужжатларни чоп этиш, авторефератларни катта миқдорда тайёрлаш ҳамда диссертацияларни тақрибдор муҳокама қилиш билан боғлиқ ортқиқча талаблар бекор қилиниши назарда тутилмоқда. Бу эса инзлувчилар учун қулайлик яратиш, вақт ва маблағ сарфини камайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, илм-фан ва иқтисодиётнинг реал сектори интеграциясини кучайтириш мақсадида фалсафа доктори (PhD) илмий

даражасини амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида олишни назарда тутувчи “Лойиҳа доирасида илмий даража” ҳамда “Амалий докторантура” дастурларини йўлга қўйиш тақдир қилинди.

Ушбу ёндашувлар доирасида докторлик тадқиқотлари ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг амалий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Бунда илмий изланишлар реал сектор корхоналари билан ҳамкорликда амалга оширилиб, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, илмий лойиҳаларни молиялаштириш ва саралаш тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди.

Жараёнга халқаро экспертларни жалб қилиш, замонавий рақамли технологиялар

асосида лойиҳаларни баҳолаш тизимини жорий қилиш ҳамда илмий тадқиқотларни молиялаштиришда шаффофлик ва самарадорликни ошириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, илмий фаолиятнинг юқори ўсиш суръатлари тадқиқот сифати, академик ҳалоллиги ва ички илмий назорат механизмларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан олимларнинг илмий фаолиятини кузатишнинг ягона рақамли тизимини жорий этиш, илмий этика стандартларини такомиллаштириш, тадқиқот сифати устидан таъсирчан мониторинг механизмларини йўлга қўйиш тақдир қилинди.

Хорижда фаолият юритаётган тажрибали ватандош олимлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди.

Жумладан, илм-фан соҳасини халқаро тажриба асосида ривожлантириш, илмий-тадқиқот маданиятини мустаҳкамлаш ҳамда замонавий методологик стандартларни такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқувчи Илм-фан маслаҳат кенгашини ташкил этиш тақлифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган тақлифларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш, илм-фан ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ҳамда илмий тадқиқотлар сифатини янада ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА



Шарҳ

ФОРМАЛ КАФОЛАТДАН РЕАЛ ҲУҚУҚИЙ КЎМАК МЕХАНИЗМИГА ЎТАЁТГАН ЮРИДИК ЁРДАМ

Ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги қонуларда белгиланган кафолатлар билан бирга фуқароларнинг ушбу кафолатлардан амалда фойдалана олишига ҳам бевосита боғлиқ. Айниқса, судларга мурожаат қилиш, ҳуқуқий позицияни шакллантириш, зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва ўз манфаатларини асослаб бериш жараёнида малакали юридик ёрдам муҳим ўрин тутди.

Бу борада янги таҳрирдаги Конституциямиз гоят катта аҳамиятга эга. Чунки у бугун жаҳмиёт ва давлат бошқаруви олдида турган ўткир ва долзарб масалалар ечимини, дунёда ўзаро қарама-қаршиликлар, геосийёсий жараёнлар кескинлашган мурраккаб шароитда “инсон — жаҳмиёт — давлат” ўртасидаги муносабатларнинг пухта ўйланган стратегияси эканини таъкидлаш ўринли. Бу жиҳат ҳам давлатчилик, ҳам инсон ҳуқуқлари борасида бошланган демократик ислохотларимиз ортага қайтмаслигининг ёрқин ифодаси, мустаҳкам кафолатидир.

Ўзбекистон Конституциясида ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунида таъкидланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилиши ҳақи экани мустаҳкамланган. Шунингдек, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Амалиётга кўра, фуқаролар ҳар доим ҳам ушбу ҳуқуқлардан мустақил ва тўлиқ фойдаланиш учун етарли ҳуқуқий билимга эга бўлавермайди. Айрим ҳолларда адвокат ёрдами зарур бўлади, бироқ моддий имконият чеклангани сабабли бундай хизматдан фойдаланиш осон кечмаслиги мумкин. Шу боис, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизими фуқароларнинг суд ҳимоясидан фойдаланиш бўйича конституциявий ҳуқуқини амалда таъминлашда алоҳида аҳамият касб этди.

Мазкур йўналишда 2023 йил 16 июнда “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган муҳим қадам бўлди. Ушбу қонун кам таъминланган шахсларнинг белгиланган тартибда малакали юридик ёрдам олиш имкониятини таъминлади. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича даъвогар ёки жавабгарлар, маъмурий ишлар бўйича аризачилар, маъмурий қамоқ тарзидаги жазо назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ишларида иштирок этувчи шахслар, шунингдек, жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумлар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг кейинги босқичи ушбу кафолатларни конституциявий одил судлов соҳасида ҳам аниқ ва таъсирчан механизмлар билан таъминлашни тақозо этди. Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, муайян ишда қабул қилинган қонун фуқаро ёки юридик шахснинг фикрича, унинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузётган ҳамда судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча восталаридан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар ушбу қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш масаласи билан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бу ҳуқуқ мазмунан жуда муҳим. Чунки фуқаро бундай ҳолатда фақат алоҳида қарор ёки ҳаракат юзасидан эмас, балки муайян ишда қўлланган қонун нормасининг Конституцияга мослиги масаласини кўтарди. Табиийки, бундай мурожаат ҳуқуқий жиҳатдан пухта тайёрланиши, унда қонун нормаси ва унинг қўлланиши ҳамда конституциявий ҳуқуқларга таъсири аниқ асосланиши лозим. Шу нуктага назардан, адвокат иштирокининг таъминланиши фуқаро учун ҳам, конституциявий одил судлов сифати учун ҳам муҳим.

Маълумотларга кўра, 2025 йилда Конституциявий судга 2000 га яқин мурожаат келиб тушган. Уларнинг 15 фоизи бевосита Конституциявий суд ваколатига тегишли бўлган. Бу кўрсаткич фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларидан фойдаланишга эҳтиёжи ортиб бораётганини кўрсатади.

Бирок шу пайтга қадар Конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилганда кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тартиби қонунчиликда етарлича аниқ белгиланмаганди. Бу эса амалда айрим фуқаролар учун конституциявий одил судловга

мурожаат қилиш имкониятидан самарали фойдаланишда қийинчилик туғдириши мумкин эди.

2026 йил 20 апрелдаги “Кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун айнан ушбу масалани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилди. Қонун билан жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган, тўлиқ ёки қисман давлат ҳисобидан кўрсатилган малакали юридик ёрдам тизимини янада такомиллаштириш назарда тутилди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонун ҳамда “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Энди кам таъминланган шахс муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланган қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги масаласи юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилганда давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 41-моддаси янги қоида билан тўлдирилди. Унга кўра, Конституциявий суд шикоят билан мурожаат этган фуқаронинг илтимосига асосан, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат иштирокини таъминлаш чораларини кўради.

Шунингдек, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддаси ҳам тегишли норма билан мустаҳкамланди. Унга мувофиқ, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров Конституциявий судга шикоят билан мурожаат этган ва бундай ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаронинг илтимосига кўра, Конституциявий суд томонидан “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали юборилади.

Ушбу тартибнинг жорий этилиши бир нечта амалий натижага хизмат қилади.

Биринчидан, кам таъминланган фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш имконияти янада кенгайди.

Иккинчидан, мурожаатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан сифатли тайёрланишига замин яратилди.

Учинчидан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобланган ҳолатларда уларни ҳимоя қилиш имконияти янада кучаяди.

Муҳими, бу янгилик давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини фақат формал кафолат сифатида эмас, балки фуқарога реал ҳуқуқий кўмак берадиган амалий механизм сифатида ривожлантиришга хизмат қилади. Конституциявий судга мурожаат қилиш мурраккаб ҳуқуқий жараён бўлгани учун бунда малакали адвокат иштирокининг таъминланиши фуқаро манфаатларини тўғри ифода этишда муҳим омилдир.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш имконияти янада кенгайтириш, кам таъминланган шахсларнинг давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимига ишончли мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконияти фуқаронинг моддий аҳволига боғлиқ бўлиб қолмаслиги лозим.

Шохруҳ МАЖИДОВ,
Конституциявий суд экспертлар гуруҳи раҳбари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси, Элёр Дониёров, Конституциявий суд бош консультанти

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРДАН БИРИ

Бошланиши 1-бетда

Мутасаддиларга сув фонди ерларини ижарага бериш, мониторинг қилиш, шартномалар тузиш ва ҳисоботини онлайн юритиш бўйича ахборот тизимини ишга тушириш топширилди. Космик тадқиқотлар агентлигига дарё ўзанлари ва сув ҳўжалиги объектларидан қазиб олинган кум-шағал ҳажминини аниқ ҳисоблаш ва тегишли идораларга тақдим этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда сел-тошқин сувларидан фойдаланиш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Иқлим ўзгариши туфайли сўнгги йилларда қисқа вақтда кучли ёмғирлар кўпаймоқда. Бу эса сел-тошқинлар хавфини оширмоқда. Айниқса, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент вилоятларининг тоғли ва тоғолди ҳудудларида сел хавфи юқори ҳисобланади.

Сел-тошқинлар инфратузилма ва қишлоқ ҳўжалигигагина эмас, балки санаят, сўғурта, логистика ҳамда ташқи савдога ҳам зарар етказиши мумкин. Қолаверса, сел сувлари хавф манбаи

бўлиши билан бирга сув захираларини тўлдириш учун ҳам катта имкониятдир.

Мамлакатимизда сел хавфи мавжуд 60 та йирик сой орқали йилга 690 миллион куб метр сув самарасиз оқиб кетмоқда. Ундан оқилон фойдаланиш орқали 13 минг гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш, сув таъминотини яхшилаш ва балиқчиликни ривожлантириш имконияти борлиги таъкидланди.

Шу боис, сел сувларини бошқаришда фақат тўғон қуриш билан чекланмасдан, интеграл ёндашувни ҳам жорий этиш зарурлиги

қайд этилди. Бунда сел хавфини камайтириш, сувни тўплаш, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, балиқчилик, туризм ва хизматлар соҳаси билан боғлиқ лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш назарда тутилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан мутасаддиларга сув инфратузилмасини иқтисодий фаоллик манбаига айлантириш, сел-тошқин хавфларини камайтириш, сув захираларидан самарали фойдаланиш ва мазкур йўналишда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш юзасидан қатор топшириқлар берилди.

ЎЗА

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ҚИРГИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН “ЧЕГАРА НИЗОЛАРИНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ” ТЎҒРИСИДАГИ РЕЗОЛЮЦИЯНИ МАЪҚУЛЛАДИ

БМТ Бош Ассамблеяси Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон томонидан тақдим этилган ҳамда 40 та давлат ҳаммуаллиф бўлган “Чегара низоларини тинч йўл билан ҳал этиш” тўғрисидаги резолюцияни овоз бериш, консенсус асосида маъқуллади, дея хабар бермоқда “Дунё” ахборот агентлиги.

Экспертлар бу воқеликни Марказий Осиё учун ҳам, бутун замонавий халқаро амалиёт учун ҳам фундаментал аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеа сифатида баҳоламоқда.

Резолюциянинг расман овоз бермасдан, бир овоздан қабул қилинган жаҳон ҳам-

жамиятнинг минтақамизга бўлган сўзсиз қўллаб-қувватлаши ва юксак ишончидан далолат беради.

Ҳужжат бугунги кунда глобал кун тартибидagi энг мурраккаб ва долзарб масалалардан бири — давлат чегараларини тинч

йўл билан белгилаш ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришни акс эттиради.

Бу натижага Марказий Осиёнинг барча давлатлари раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва узоқни кўра билиши ҳамда халқларимиз барқарорлиги ва фаровонлигининг узоқ муддатли манфаатларини жорий қилиш мумкинликларидан устун қўя олгани туфайли эришилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилда эълон қилинган Ўзбекистоннинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати муҳим роль ўйнади.

Қайд этилганидек, Тошкент томонидан илгарги сурилган ташаббуслар Бишкек ва Душанбе томонидан қўллаб-қувватланиб, мазмунан бойитилди ҳамда биргаликда амалга оширилди. Уч давлат етакчилари томонидан давлат чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ва “Дўстлик стеласи”нинг очилиши томонларнинг ҳиссаси бирдек қадрланган ушбу кенг қўламли ҳамкорликнинг мантиқий якуни бўлди.

STARTUPBLINK: СТАРТАПЛАР БЎЙИЧА “ЎЗБЕКИСТОН – ЙИЛ МАМЛАКАТИ”



Нодир АЛИБЕКОВ,
Рақамли технологиялар вазирлиги бошқарма бошлиғи

Бу муваффақиятлар халқаро майдонда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Хусусан, “StartupBlink” халқаро тадқиқот платформаси томонидан эълон қилинган “Global Startup Ecosystem Index 2026” ҳисоботида кўра, Ўзбекистон глобал стартап экотизимлари рейтингиде 2025 йилдаги нисбатан 19 поғона юқорилаб, дунёда 79-ўринни эгаллади.

Энг муҳими, тадқиқотчилар томонидан Ўзбекистон “йил мамлақати” (“Country of the year”) — стартап экотизими энг жадал ривожланган давлат сифатида эътироф этилди. Ҳисоботга кўра, мамлакат бир йилда +227,3 фоиз ўсиш суръатини қайд этган. Бу 2026 йил рейтингидagi энг юқори натижа сифатида баҳоланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон стартап экотизими ўсиш суръати бўйича ўртача глобал кўрсаткичдан 13 баробар юқори натижани намойен қилди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, рақамли таълимни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбари томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш, ёшлар учун имкониятларни кенгайтириш, рақамли инфратузилмани ривожлантириш ва стартаплар учун қулай инвестиция муҳити яратиш борасидаги тизимли ислохотлар бугун ўзининг аниқ ва амалий натижаларини бермоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатнинг глобал рейтингидagi ўрни босқичма-босқич мустаҳкамланиб бермоқда. Жумладан, 2023 йилда 111-ўрин, 2024 йилда 110-ўрин, 2025 йил 98-ўрин, 2026 йилда эса 79-ўринга кўтарилди. Яъни Ўзбекистон 2023 йилдан буён 32 поғона юқорилади.

Мазкур натижалар, аввало, мамлакатимизда рақамли технологиялар ва инновациялар соҳасига давлат даражасида қаратилаётган юксак эътибор самарасидир.

Жорий йил апрелда Президентимиз “IT Park Uzbekistan”нинг Фарғона шаҳридаги мажмуасига ташриф буюриб, у ерда яратилган замонавий шароитлар, ёшлар учун имкониятлар ва инновацион лойиҳалар билан танишди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари пойтахтдаги АТ паркга ташрифи чоғида сунъий интеллект технологияларини вазирлик ва идоралар фаолиятига, иқтисодиётнинг турли тармоқларига кенг жорий этишга қаратилган илгор лойиҳалар тақдими билан танишди, соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳрида “Bukhara AI Week” доирасида ўтказилган “National AI Hackathon” — сунъий интеллект бўйича умуммиллий ҳақотан тадбири ҳам мамлакатимизда сунъий интеллект экотизимини шакллантириш ва стартапларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларнинг амалий ифодасига айланди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон ҳамда Қозғистон Президентлари иштирок этди.

Бугун Ўзбекистонда 1000 дан ортқк фаол рақамли стартап мавжуд. 2024 йилда бу

кўрсаткич 400 дан, 2025 йилда эса 750 тадан зиёди ташкил этган эди. Уларнинг 160 дан ортқк хорижий ва маҳаллий венчур фондларидан инвестиция жалб қилган.

Умумий ҳисобда ўзбек стартаплари томонидан 400 миллион АҚШ долларидан ортқк инвестиция жалб қилинди. Мамлакатнинг илк “юнкори” компанияси — Uzsh эса жами 278 миллион АҚШ долларидан ортқк сармоя жалб қилиб, компания қийматини 2,3 миллиард долларга етказди.

2025 йилда Ўзбекистон стартаплари 329 миллион АҚШ долларидан ортқк инвестиция жалб қилди. Бу 2024 йилдаги 69,5 миллион долларга нисбатан 473 фоиз ўсиш демакдир.

2025 йилда “IT Park Uzbekistan” томонидан ташкил этилган IT Park Ventures жамағармаси ҳам 70 дан ортқк стартап лойиҳасига 7,1 миллион доллардан зиёд сармоя киритди. Шунингдек, “IT Park Ventures” жамағармаси капитали 10 миллион АҚШ долларидан 30 миллион АҚШ долларига оширилди.

“President Tech Award” танлови ҳам мамлакатда технологиялар ва ёш стартапчиларни қўллаб-қувватлайдиган муҳим платформага айланди. 2023-2025 йиллардаги 3 та мавсумда 13 мингдан ортқк иштироки ва 1500 дан зиёд лойиҳа қатнашди. Натижада 200 дан ортқк янги иш ўрни очилди ҳамда иштирокчилар томонидан 12 миллион доллардан ортқк венчур инвестиция жалб қилинди. Хусусан, танлов голблларидан бири — TASS Vision стартапи 1,3 миллион евро миқдорда халқаро инвестиция жалб қилишга муваффақ бўлди.

2025 йилда жами 31 та ўзбек стартапи АҚШ, БАА, Қозғистон, Озарбайжон ва

Россия каби йирик бозорлардаги халқаро акселерация дастурларини муваффақиятли якунлади. 2024 йилда бу кўрсаткич атғи 3 тани ташкил этган эди. Бу йилма йил 930 фойдан ортқк ўсишни аниқлади.

Бугун 60 дан ортқк ўзбекистонлик стартап асосчилари АҚШда фаолият юритмоқда. Хорижда ўзбекистонликлар ташкил этган стартаплар сони эса 100 дан ошган.

“StartupBlink” ҳисоботида Марказий Осиё дунёдаги энг тез ривожланаётган стартап худуди сифатида қайд этилди. Ушбу ўсишнинг асосий драйверларидан бири сифатида Тошкент алоҳида тилга олинди.

Хусусан, Тошкент стартап экотизими +155,7 фоиз ўсиш кўрсаткичи билан минтақадagi энг тез ривожланаётган шаҳарлардан бири сифатида эътироф этилди. Жаҳон миқёсида эса Тошкент 121 поғона юқорилаб, дунёнинг TOP-300 стартап шаҳри қаторига кирди. Ушбу натижа билан Тошкент шаҳри Марказий Осиёдаги энг илгор стартап экотизими шаҳрига, МДҲ мамлакатлари орасида эса иккинчи энг яхши экотизимга айланди. Шунингдек, Самарқанд ва Фарғона шаҳарлари ҳам илк бор дунёнинг TOP-1000 стартап шаҳри рейтингига кирди.

Бугун мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, рақамли тадбирчиликни қўллаб-қувватлаш, АТ парк фаолиятини кенгайтириш, стартаплар учун молиявий ва инфратузилмавий қўлайликларни ошириш, халқаро инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ёшлар учун технология имкониятларини кенгайтириш борасида кенг қўламли ишлар бажарилмоқда.

Президентимизнинг 2026 йил 11 февралдаги “Стартапларни қўллаб-қувватлашнинг комплекс экотизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакат стартап экотизими учун устувор мақсадлар белгилаб берилган. Жумладан, 2030 йилга қадар мамлакатда стартаплар сони 5000 тага, улар томонидан жалб қилинган венчур инвестициялар ҳажми эса 2 миллиард АҚШ долларига етказилиши каби кўрсаткичлар мақсад қилинган. Ушбу мақсадларга эришиш учун босқичма-босқич бажарилаётган ишлар натижа бераётгани “StartupBlink” ҳисоботида ҳам кўринмоқда.

Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон миқёсида ҳам стартап ва инновациялар марказларидан бири сифатида шаклланиб бермоқда. “Country of the Year 2026” эътирофи эса мамлакатимиздаги ислохотларнинг халқаро даражадаги яна бир муҳим тасдиғи бўлди.

Бугунги Ўзбекистон инсон қўли билан барпо этилаётган янги ҳайратлар мамлакатидир. Ислол олами ва бутун маърифий дунёни ҳайратга солган Ислол цивилизацияси марказини кўрган, қолаверса, Президентимизнинг ўтган бир йиллик фаолиятига бағишланиб, яқиндагина нашрдан чиққан "Юрт қайғусида 365 кун" китобини ўқиган ҳар бир киши бунга қатъий ишонч ҳосил қилади.



Фаровонлик харитаси

Янги уйғониш фасли ҳайратлари

"Юрт қайғусида 365 кун" китобини ўқиб...



Ахмаджон МЕЛИБОВЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ўтган аср адоғида юзага келган ўта қалтис вазиятда тақдиримизни ўз қўлимизга олдик. Кўплар башорат қилганидек, Ўзбекистон танлаган йўлини йўқотиб қўймади. Бу йўлда бизга халқимизнинг асрлар давомида шаклланган тарихий тажрибаси, улуг аждодларимизнинг маънавий мероси, шунингдек, юксак инсоний фазилатлар қўли келди. Тўғри йўл ва ечимларни излаш, имкониятларни ишга солиш, бошқарувни янгилаш, собиқ тузум қадриятларидан воз кечиш ҳаракати бошланди. Кўзлаган мақсадларимизга босқичма-босқич эриша бошладик. Дунё кенгликларига чиқдик, тинчлик-тотувлик, аҳиллик, иноқлик ҳамда бағрикенгликни сақлаб қолдик. Орта қайтмадик: гоҳ сусайиб, гоҳ тезлашиб, излаб-қидириб бўлса ҳам яшада ва интилишда давом этдик.

Шу аснода бугунги янги бурилиш нуқтасига етиб келдик. Дунё сахнасида "Янги Ўзбекистон" деган ном ва ибора пайдо бўлди. Президентимиз раҳбарлигида бундай мавқега эришиш жараёни шу қадар қатъий тус олдики, нафақат пойтахтда, балки бутун

бўламиз ва уларни ҳам, худди бугунгидек, оддий қабул қиламиз.

Йиллар занжири моҳиятан бир-биридан узилмайди. Уларни бир-бирига ўхшаш вақт ҳалқалари дейиш ҳам мумкин. Аммо ҳеч бир инсон, ҳеч бир кун, ой ёки йил бир-бирига айнан ўхшамаганидек, вақт ҳалқалари ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Утган ва ўтаётган умримизнинг ҳар кунини ўз хирмони ва салмоғига эга. Кейинги ўн йилда, дунё ҳамжамияти расман эътироф этаётганидек, Ўзбекистон натижа ва моҳиятига кўра бир неча ўн йилликларга тенг ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу йўл Президентимизнинг янги бардавом сиёсати бўлиб, у бундан ўн йил аввал мамлакатда юзага келган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-психологик ҳолатни танқидий баҳолашдан, таҳлилий мушоҳада, тақлиф ва ташаббусларга йўл очилшдан, халқни тинглашдан ва унга амалда яқинлашишдан бошланди.

Янги сиёсатнинг бош мақсади халқ билан мунтазам мулоқотда бўлиш, муаммоларини ҳал қилиш эди. Шунингдек, биз билан бир

Ўзбекистоннинг шаҳарсозлик ва урбанизация соҳасидаги стратегияси, ижтимоий ҳимоя тизими дунё миқёсида жиддий ўрганилмоқда. Ўзбекистон раҳбарининг минтақада тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги тақлифлари ҳамда амалий ҳаракатлари ижобий натижа бермоқда.

кўрсатиш, йўлларни сунъий тўсиқлардан тозалаш, асосий тақлиқларни, кўринмас "қора рўйхат"ларни бекор қилиш, қонун бузилишлари ва мансаб ваколатларини сунистеъмол қилишга йўл қўймастик каби эзгу интилишлар ушбу сиёсатнинг негизини ташкил этди.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг буюк салоҳиятини, улуг тарихимизни, дунё тамаддунини ҳамон машъала янгли ёритиб келётган маънавий меросимизни жаҳонга олиб чиқиш вақти келганди. Илм-маърифатда худди миллий курашимиз қондалари каби ҳалол баҳсга киришиш, тафаккур майдонида ўзликни намоеън этиш фурсати эди.

Бу тарихий жараёни бошлаш учун, биринчи навбатда, жамиятда соғлом маънавий муҳит яратиш, ижтимоий адолатнинг қарор топишига ишонч руҳини юзага келтириш талаб этиларди. Бутун вужуд ва онг-тафаккур билан ишга киришиш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни мамлакат миқёсида умум-халқ ҳаракатига айлантириш зарур бўлди ва бунга эришилди. Жамиятнинг ҳаракатсиз мураббаларига жон ато этиш, фикр муद्रоклигига барҳам бериш учун бугуннинг руҳиятига мос мақсадларни акс эттирувчи ҳаётбахш даъватлар ўртага ташланди. Мамлакатимиз етакчисининг эзгу мақсадлари ижтимоий-маънавий ҳаётда юзага келган бўшлиқни тўлдирди, янги Ўзбекистон ташлаётган янги қадимларнинг маъно-моҳиятини аниқ белгилаб берди.

Бугун мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, халқаро алоқалар, маданият ва маънавиятда кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Мактабгача, олий ва ўрта махсус таълим тизими, туризм ва спорт соҳаларидаги ислохотлар самара бермоқда. Ўзбекистоннинг тинч ва беҳавотир мамлакат сифатида эътироф этилиши, иқтисодиётимизнинг залворли қадимлари, ёшларимиз эришаётган оламшумул ютуқлар ҳамда халқаро инвесторлар учун яратилаётган кенг имкониятлар барчаннинг диққат марказида турибди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон чин маънода янги уйғониш фаслига, ўз тарихининг янги ва шонли босқичига яқинлашаётганидан далolat. Қолаверса, бу силжнлар "Миллий тараққиётдан — миллий юксалишга" гоёси бутун мамлакат бўйлаб амалий ҳаракатга айланганини исботлайди.

Бунга мисол жуда кўп. Хусусан, бугун Ўзбекистоннинг шаҳарсозлик ва урбанизация соҳасидаги стратегияси, ижтимоий ҳимоя тизими дунё миқёсида жиддий ўрганилмоқда. Ўзбекистон раҳбарининг минтақада тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги тақлифлари ҳамда амалий ҳаракатлари ижобий натижа бермоқда.

Улуг Конфуций "Умирида йиқилмаган киши буюк эмас, балки неча бор йиқилган, аммо ўрнидан шадд билан туриб, ўзинга ишонч билан олдинга интилган одам буюкдир", деган экан. Унинг яна бир теран фикри шуки, йўлга мақсадсиз чиққан инсон, шубҳасиз, фалокатга йўлқадди. Биз бугун босиб ўтган йўлимизнинг, эришган ютуқларимизни ва йўл қўйган хато-камчиликларимизни холис баҳоламоқдамиз. Уларни қайта тақорлашмақдамиз тадоригини кўриб, аниқ мақсад билан фақат олдинга интилмоқдамиз. Ўзбекистон бир вақтлар илм-фан бобида дунёга муаллимлик қилган улуг аждодларимизнинг илми ва меросига амалда яқинлашмоқда.

Бизга бугун янги дунёвий, иқтисодий ва сиёсий-маърифий тафаккур зарур. Буни ҳамамиз ҳис этиб туришимиз. Аммо барчамиз бирдек янги билишимиз зарур бўлган яна бир бошқа ҳақиқат бор: дунё дунё бўлганидан бери инсоният бу фазилатларни фақат ёзма адабиёт орқали эгаллаб келган. Бугун ҳам, эртага ҳам шундай бўлиб қолади. Бошқа йўл йўқ. "Ҳамма илм компьютерга жойлашади, китоблар ҳамда газета-журналларнинг умри тугайди, қозоғга эҳтиёж қолмайди", дегувчилар қаттиқ янгилашади. Адабиётнинг устоз Абдулла Қаҳҳор аниқ чамалаган қудратли кучи бугун фақат бир мамлакат ёки бир минтақада эмас, балки бутун ер юзиде инсон тақдирини, унинг бу ёруғ оламда яшаб қолиш ёки қолмаслигини ҳал қила оладиган халоскор омил бўлиб турибди. Улуг адиб Чингиз Айтматов хавотир билан ёзганидек, дунёнинг бугунги маънавий-ахлоқий қиёфаси олдида турган энг катта ва оғир вазифа инсонни инсон макомиде сақлаб қолиштириш. Бу хавфни баргараф этиш ҳам бевосита адабиётнинг вазифасига киради. Чинакам адабиёт ўтмишда бу ишни кўп бор уддалаган, бугун ва эртага ҳам албатта уддалай олади.

Бугунги Ўзбекистон инсон қўли билан барпо этилаётган янги ҳайратлар мамлакатидир. Ислол олами ва бутун маърифий дунёни ҳайратга солган Ислол цивилизацияси марказини кўрган, қолаверса, Президентимизнинг ўтган бир йиллик фаолиятига бағишланиб, яқиндагина нашрдан чиққан "Юрт қайғусида 365 кун" китобини ўқиган ҳар бир киши бунга қатъий ишонч ҳосил қилади.

Муносабат



"МИЛЛАТ ШАВКАТИ" — ЎТМИШ САБОҒИ ВА БУГУНГИ ҲАҚИҚАТ ИФОДАСИ

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Самарқанд вилояти қиёфаси тубдан янгиланиб, янада замонавий, обод ва кўркам худудга айланмоқда. Бугун кўз ўнгимизда вилоят том маънода ўзгарди. Ўзгаришлар нафақат бизни, балки бутун хорижий дўстларимизни ҳам ҳайратга солмоқда. Худуддаги янгиланишлар фақат марказий шаҳар доирасида чекланиб қолмади. Аиникса, диний-маърифий мажмуалар, Уругт туманидаги санаот зоналари, экспорт салоҳияти ва янги инфратузилмалар юксак даражада ривожланди.



Ботирали ШОДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Хусусан, Самарқанднинг халқаро нуфузини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида эътиборга молик. "Боқий шаҳар" мажмуаси, замонавий аэропорт, янги туристик ва маданий инфратузилмалар қадимий кенгта янгича руҳ бахш этиб, уни халқаро дипломатия ва туризмнинг муҳим марказларидан бирига айлантирмоқда.

Бугун дунё сиёсатчилари, нуфузли халқаро ташкилотлар ва йирик инвесторлар эътиборини тортаётган Самарқанд том маънода янги Ўзбекистоннинг очиклик, мулоқот ва тараққиёт равиш сифатида намоеън бўлаётир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ислол дунёси учун чинакам эътиқод тимсоли сифатида барпо этилган ушбу мажмуа шунчаки зиёратгоҳ эмас, буюк муҳаддиснинг ислол оламидаги нуфузи ва мақомига мос маҳобатли иншоот, маънавий ташаббус, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон дурдонасига айланди. Зеро, ушбу бетакрор бунёдкорлик намунаси янги Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти ва кенг имкониятларини яққол намоеън раван йўллар, янги массивлар, замонавий



Самарқанддаги ислохотлар жараёнини кузатиб, бир хулосага келамиз: бу ўзгаришлар фақат ҳудудий ривожланиш эмас, балки янги Ўзбекистоннинг узоқ муддатли стратегик мақсадлари амалга ошишининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

турар жойлар, таълим, спорт ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилди. Бу янгиланишлар замирида давлатимиз раҳбарининг Самарқанд тараққиётига қаратаётган алоҳида эътибори, тарихий меросга юксак ҳурмати, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган изчил сиёсати ва бунёдкорлик гоёси мужассам.

Сўнгги тўққиз йилда вилоятнинг барча тармоқларида юксалиш, ривожланиш бўлди, дейишга барча асосларимиз бор. Бугун Самарқандда нафақат бинолар ва йўллар, балки одамларнинг дунёқароши, ҳаётта муносабати ҳам ўзгармоқда. Бу заминда кечаётган янгиланишлар баландпарвоз сўзлар эмас, балки халқ турмуши, шаҳар қиёфасида ва инсонлар кайфиятида намоеън бўлаётган ҳаётий ҳақиқат.

Охириги йилларда вилоят мамлакатимиздаги жадал ривожланаётган худудлардан бирига айланди. Хусусан, 2025 йилда Самарқанднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларида барқарор ўсиш қайд этилган. Янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 8 фоиз, санаот ишлаб чиқариш 8,5 фоиз, қурилиш ишлари 17,3 фоиз, чакана савдо 10,3 фоиз, хизмат кўрсатиш ҳажми 15,9 фоиз ошди. Ташқи савдо айланмаси 33,6 фоиз, экспорт 29,9 фоиз, асосий капиталга киритилган инвестициялар эса 25,6 фоиз ўсди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Самарқанд фарзанди сифатида айтиш мумкинки, бугунги ўзгаришлар алоҳида ҳодиса эмас, балки мамлакатимиздаги тизимли ислохотларнинг узвий ва мантйиқий давомидир. Вилоятда шаклланаётган янги шаҳарсозлик ёндашуви, инвестиция муҳити яхшиланиши ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожу бу жараёнларнинг барқарорлигини тасдиқлаб турибди.

Пайариқ туманида жойлашган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси тўлиқ қайта қурилгани натижасида зиёратчиларга хизмат кўрсатиш салоҳияти сезиларли даражада ошди. Илгари мажмуа бир кунда 12 минг зиёратчини қабул қилган бўлса, энди ушбу кўрсаткич 65 мингга етди.

Самарқанддаги ислохотлар жараёнини кузатиб, бир хулосага келамиз: бу ўзгаришлар фақат ҳудудий ривожланиш эмас, балки янги Ўзбекистоннинг узоқ муддатли стратегик мақсадлари амалга ошишининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Бошланиши 1-бетда

Шўроларнинг ялпи даҳрийлик сиёсати, миллий ва диний туйғуларнинг оёқости қилиниши каби зугумлар чорак аср аввал тарихга айланган иккинчи минг йилликда қолиб кетади, деб умид қилинганди. Одам-зод янги асрга руҳан ва маънан покланиб, ақл-идроки, фаҳм-фаросати чарчланган ҳолда ўтади, йўл қўйган хатоларидан тўғри хулоса чиқаради деб ишонардик. Ўзини, она заминини, сув ва ҳавонини, бошига соябон бўлиб турган беғубор осмонни пок тутуди, қуролланиш пойгаси жиловланади, тўпларнинг оғзида кабутарлар бола очади, бундай қилмаса, ўзи халок бўлади деб ўйлаган инсоният бугун бу "англаб бўлмас сир" олдида ҳайратда. Чунки покланиши, тинчланиши ва роҳат-фароғат бешигига айланиши керак бўлган дунё яна асов тўлкиндай пишиқиб, умумфалокат сари юзланмоқда.

Таассуфки, кутилгандек бўлмади. Дунё фавқулодда мураккаблашиб кетди. Инсон гўёки ўзи ўтирган дарахт шохига арра тортиш (Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда), ўзини ва болаларини тўйдиратган ерни захарлаш, океан сувини чинқидиға тўлдирдиш, ўрмонларга ўт қўйиш каби машъум ҳаракатлари билан тубсиз жарлик ва йўқлик сари яқинлашиб бораётгандай. Буни ногаҳоний ер ўпирлишлари, сув тошқинлари, ҳосилдор ерларнинг шўрланиши, музликларнинг эриши каби фалокатларда яққол кўриш мумкин.



Фақат шу эмас. Бўлинган дунёни қайта бўлақлаш, иқтисодиёт ва сиёсатда якка ҳукмфармолик қилиш нияти, шунингдек, ирқий ва диний мижозлар совуқ уруш сиёсати пайтидагидек шитоб билан, янада кучли ва ваҳимали сурыатда давом этмоқда. Оммавий қиргин қуролларининг мисли кўрилмаган янги ва даҳшатли турлари ихтиро қилинмоқда, қудратли давлатлар эса уларни фаҳр-идтиҳор билан намойиш этмоқда. Қонли фронт йўналишларида бир томон: "Бугун душманинг фалонча аскарини йўқ қилинди", деса, иккинчи томон: "Биз ҳар ойда душманинг фалон аскарини ўлдирганини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик", дея жар солмоқда. Даҳшатлиси шундаки, кўпчилик бу рақамларни ҳеч ажабланмай, худди "Кеча фалон мусобақада мингдан ортиқ киши қатнашди" деган ахборотдай қабул қилмоқда. Бир-бирини қириш мусобақасида алоҳида "намуна" кўрсатганлар кўксига эса олий нишонлар тақилмоқда.

Инсоният — каттаю кичик, ўғрию тўғри, олиму золим, қаттолду донишманд моҳияти тобора маҳвумлашиб бораётган бугунги даврда бир сайёрада, янги бир қайиқда яшамоқ. Макон, ер осмон — битта. Бундай шароитда тинчликни ва тирикликни сақлаб қолиш, уй қуриш, боғ яратиш, келажак наслларнинг насибасини қирқмаслик энг муҳим вазифа, виждон ва иймон ишига айланади. Бу жараёндан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Манфаатли ҳамкорлик, мулоқот, бир-бирини тушуниш ва ҳурмат қилишдан бошқа нажот йўли йўқ. Замонавий қуроллар нечоғлиқ кучли бўлмасин, шу чоққача ҳам, бугун ва эртага ҳам тинчликка, эзгуликка хизмат қилмайди. Отилган ҳар бир ўққа бошқа бир жиноят акс садо беради.



мамлакатда юз бераётган ўзгаришларни ҳам қилиш, уларнинг маъно-моҳиятига етиш фақат хорижликлар учун эмас, балки ўзимиз учун ҳам ҳайратланарли бўлмоқда. Бундан атиги ўн йил аввал кимдир "Еш ўзбек қизи мамлакатнинг янги металлургия заводини ишга туширади, еш олима АҚШ мактаблари учун замонавий дастурлар яратиб беради, Ўзбекистон дунёга машҳур Лондон биржасига аъзо бўлиб, мамлакат иқтисодиётида янги тарихий саҳифа очилади, ҳар йили ўн беш минг ватандошимиз ҳаж зиёратига боради, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 146 миллиард долларга етади, дунёнинг етакчи мамлакатлари раҳбарлари янги Ўзбекистонни ўзи учун кашф этади", деса, бу гапга ишонадиган бирорта киши топилмас эди. Бугун эса бундай оламшумул ютуқлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётининг оддий ва кундалик воқеаларига айланиб қолди. Халқимизнинг ишончи комилки, миллий тараққиёт шиддати шундай давом этар экан, яна беш-ўн йилдан кейин бундан-да ҳайратланарли, миллий тарих солномасини безайдиган воқеаларга шохид

минтақада яшаб келаётган, суви сувимизга, йўли йўлимизга, ери еримизга туташ, миллий ва диний қадриятлари, урф-одатлари муштарак қўшилар ўртасидаги асрлар синовидан ўтган ҳамкорлик алоқаларини қайта тиклаш мақсад қилинди. Узаро меҳр-оқибат



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ДУНЁГА ТАРАННУМ ЭТУВЧИ ОЛТИН АВЛОД



Сўнги кўнғироқ тадбирлари нафақат ўқувчилар, балки устозлар учун ҳам ҳаяжонли. Чунки ўн бир йил давомида ҳар бир ўқувчи ўз фарзандидек бўлиб қолади. Мен ҳам узок йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Шу машаққатли ва ўзига хос шарафли касб ортидан обрў топдим. Лекин осон иш эмас. Ҳали кўлига қалам ушлашни билмаган болачонга бор кучини сарфлаб, ҳаётга тийёрлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун кучли ирода, метиндек бардош зарур. Турли ҳаракатдаги ёш билан муомала қила олиш зарур. Гоҳида толиқасиз. Ишингизни севганингиз учун яна ҳаракатдан тўхтамайсиз. Аммо сўнги битирув кечасига келиб, ўқувчиларингиз билан хайрлашиш ҳам осон кечмайди.

БИТИРУВЧИЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Кеча Қарши шаҳридаги 5-мактабдаги сўнги кўнғироқ тадбирида иштирок этдим. Бир хил кийимда, қўллариди даста гуллар билан қалдирғоч каби сафланиб турган ўғил-қизларни кўриб, кўзларим қувончга тўлди. Рости, уларга ҳавасим келди. Ахир улар шундай фаровон, гўзал юрнинг эртаси. Энг қувонарлиси, бугунги ёшлар мактабни битириб, ўқишни тўхтатиб қўймайди. Олийгоҳларда таҳсил олишади. Бунга имконият бор. Аксарияти мuddатидан олдин талаба бўлган. Бундай имкониятлар илгари бормиди? Биргина Қашқадарёнинг ўзида санокитига олийгоҳ мавжуд эди. Уларга киролмаганлар армонда қоларди.

“Бугун қишлоқдаги оддий мактаб битирувчиси эртага дунё тан оладиган олим бўлади. Бугун олдида катта мақсадлар кўйган, интилувчан, изланувчан ёшларимиз эртага миллионлаб инсонларга хизмат

қиладиган технологияларни яратди. Бугун китоб ўқитган бир қизалоқ эртага мамлакат тараққиётини янги bosқичга олиб чиқадиган фарзандларини тарбиялайди. Шу боис, ҳар бирингиз камиди



Мухаббат ШАРОПОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони

биттадан хорижий тил ва замонавий касбни эгаллашга ҳаракат қилинг. Бу келажакка очилган эшик, сиз учун кўшимча имконият ва рағбатдир...”, деган сўзлари эса ёшларга катта куч бағишлади.

Шахсан давлатимиз раҳбари қўлаб-қувватлаб турар экан, ёшларимиз фақат илм олиши шарт ва мен ишонман, улар шу йўлда ҳаракат қилади. Бунинг самарасида фарзандларимиз илм-фанда, спортда фақат ва фақат юқори натижаларни қўлга киритади ва киритмоқда ҳам. Мисол учун, жорий йилда биргина 5-мактабда 117 ўғил-қиз 11-синфини тугатди. Шундан 71 нафари миллий ва халқаро сертификатни қўлга киритди. Бу мактаб жамоаси учун катта ютуқ. Устозлар меҳнати самараси. Мен ҳам бир устоз сифатида мактабни битираётган ҳар бир ўқувчига янги ҳаёт оstonасида омад тилайман. Янги Ўзбекистоннинг келажиги учун етуқ кадрлар бўлиб етиши йўлида ҳеч қачон толиқмасин.

Бошланиши 1-бетда

Сўнги йилларда узлуксиз таълим тизими ривожини янги bosқичга кўтарилди. Мактабгача таълим ташкилотидан бошлаб битирув тадбирлари ўзига хос ютуқлар билан кўтаринкиликда ташкил этиляпти. Бугун мактабга тайёрлов гуруҳларига тўла қамраб олинаётган 6 ёшли болалар бошланғич таълимга, аввалгидан фарқли ўлароқ, илк саводини чиқарган ҳолда қадам қўйяпти.

Мактаб битирувчиларининг мuddатидан аввал талаба бўлиши ҳам оддий ҳолга айланди. Битирувчиларнинг аксарияти замонавий билимларга эга, хорижий тилларини билладиган, миллий ва халқаро сертификатларни қўлга киритган ёшлардир.

Уларга катта ишонч ва умид билан молиявий ресурслар йўналтириляпти. Зеро, мустақил ҳаёт бўсағасида турган 472 минг битирувчи 472 минг тақдир дегани. Ҳеч бири эътибордан четда қолмайди. Уларга йўлланган самимий табрикда ҳам бунга ишора қилинган. Тадбиркор ёшларга имтиёзли кредитлар, стартап лойиҳалар эгаларига ажратиладиган маблағлар ёшларни улкан кашфиётлар ва бунёдкорликларга ундашига шубҳа йўқ.

Алломалардан бири “Агар таълим сизга жуда қимматга тушаётган бўлса, жоҳиллик сизга қанчага тушишини ҳисоблаб кўринг”, деган эди. Шу маънода, бугун таълим тизимида бораётган йўлимиз қанчалар тўғри, сарфлаётган маблағимиз қанчалик ўринли эканидан кўнглимиз тўқ.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг битирувчи ўғил-қизларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирдим. Унда Президентимиз “Албатта, бугунги битирувчи — эртанги муҳандис, шифокор, олим, шоир ва адиб, тадбиркор дегани. Бугунги битирувчи — Учинчи Ренессанс бунёдкори дегани. Сизлар Янги Ўзбекистоннинг энг катта ишончи ва таянчисиз...”, дея ёшларга катта масъулият юкляди.



ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР — БУЮК МАРРАЛАР АСОСИ

Мана, яна бир қарра устозлик шарафидан баҳраманд бўлиб, энг ҳаяжонли оларни бошдан ўтказиб турибмиз. Мамлакатимиз бўйлаб катта ҳаётга қадам ташлаётган 472 минг битирувчи орасида ўқувчиларимиз ҳам бор. Давлатимиз раҳбари мактаб битирувчиларига йўллаган бу гали табрикдан ҳатто биз, устозлар ҳам ҳаяжонландик. Негаки бу йил ҳеч қачон бўлмаган, янги имкониятлар тақдим этиляпти. Алоҳида имтиёзлар уларга ҳаётда ўз ўрнини топиши учун катта йўл очяпти. Айниқса, тадбиркор бўлишни истаган ёшларга арзон кредитлар тақдим этилиши, стартап лойиҳаларни бошлаган битирувчиларга маблағ берилиши ҳар қандай йигит-қизни ҳаракатта ундайди. Зеро,

табрикда таъкидланганидек, чин дилдан интилиса, ҳаракат қилса, янги Ўзбекистон ёшлари ҳам буюк марраларни забт эттишга қодир.

Яқунланаётган ўқув йили республикамиз бўйлаб битирувчиларнинг қатор ютуқларига эришгани билан қувонarli кечди. Мактабни тугатмай туриб, нуфузли олийгоҳлар талабасига айланган 171 минг ёш кўлаб тендошлари ва ота-оналарини руҳлантиргани аниқ. Бизнинг ўқувчиларимиз орасида ҳам катта ютуқларга эришиб келаятганлари талайгина. 11-синф ўқувчиси Моҳларой Исроилжонова мuddатидан олдин талаба бўлди. Битирувчиларимиздан 2 нафари олтин медалга тавсия этилди. 42 нафар ўғил-қизимиз миллий ва халқаро сертификат эгалари бўлди.

60 дан зиёд олий маълумотли педагогимиз билан насиб қилса, кейинги ўқув йилида ютуқларимиз салмоғини қаррасига оширамиз. Зеро, ушбу ўқув йилидаги сифат кўрсаткичларимиз ўтган йилдагига нисбатан юқори бўлди.

Ҳар йили ўқув йили якунида биз, мактаб раҳбарлари, барча устозлар қалбиди битирувчи ёшларга юксак тилаклар, энг эзгу истаклар қайнайди. Неча йиллик машаққатли меҳнатимиз рўёбга чиқса, ёшларимиз улкан муваффақиятларга эришса, юзимиз ёруғ бўлади. Энди мактаб таълими, ўқитувчилар катта натижалар, ишончли одимларга сабабчи бўладиган давр келди. Зеро, алоҳида эътибор, замон талабларига мос шароитларнинг барчаси



Холмирза АХМЕДОВ, Қўрғонтепа туманидаги 27-мактаб директори

таълимга йўналтириляпти. Шундай экан, ислохотларга ҳамоҳанг буюк марраларни забт этадиган ёшларни тарбиялаш биз учун энг улуг шараф.

Мактаб — инсоннинг беғубор болалигини ёдга солувчи, эзгу ва нури орузлар билан боғлиқ табарруқ маскан. 25 май куни мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида 2025/2026 ўқув йили якунига бағишланган “Сўнги кўнғироқ” тадбирлари бўлиб ўтди. Айниқса, Президентимизнинг мактаб битирувчиларига йўллаган табриги ўқув йили ниҳоясига оид тантаналарга, битирувчилар, устозлар ва ота-оналарга ўзгача руҳ бағишлади.



“СЎНГИ ҚЎНҒИРОҚ” САДОСИ — МУСТАҚИЛ ҲАЁТ БОШЛАНИШИ

— “Сўнги кўнғироқ” шунчаки ўқув йили якунланиши эмас, балки минглаб ёшлар ҳаётини янги орузлар, катта мақсадлар ва мустақил ҳаётга қўйилаётган илк қадамдир, — дейди Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси, “Шухрат” медали соҳиби Дилбар Нормуродова. — Бошқача айтганда, мактабларда янраган охириги кўнғироқ садоси нафақат хайрлашув, балки билимли ёшлар учун буюк келажакка чакриқ ҳамдир.

Сурхондарё вилоятидаги 978 мактабда ҳам битирув тадбирлари бўлиб ўтди. Жорий ўқув йили якунида вилоятдаги 37 минг 790 нафар 11-синф ва 48 минг 403 нафар 9-синф битирувчиси мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Уларнинг 326 нафари олтин, 86 нафари кумуш медал билан таълим жараёнини тамомлади.

Жумладан, Термиз шаҳридаги 26-мактабда ўтказилган тадбирда битирувчиларнинг синфлар ўқувчиларининг ота-оналари, ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Ҳаётимда ўзгача кун. Давлатимиз раҳбарининг мактаб битирувчиларига йўллаган байрам табригида ёшларнинг билими, ватанпарвар ва замонавий касб эгалари бўлиб етишишни мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим экани таъкидланди. Президентимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламан, — дейди мактаб битирувчиси Нозима Хуррамова.

Мазкур таълим муассасасини жорий ўқув йилида 135 йигит-қиз тамомлаб, катта ҳаёт сари илк қадам қўйди. Кейинги йилларда мактаб таълимга қаратилаётган эътибор мутлақо ўзгарди. Ўқитишнинг сифати ва мазмунини тақомиллаштириш йўлида тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Мазкур ислохотлар натижаси аниқ рақамларда намён ҳам бўлаёттир.

Биргина Сурхондарёда жорий йил 300 нафар 11-синф ўқувчиси мuddатидан олдин талаба бўлди. Олий таълимга кириш кўрсаткичи сўнги 6 йилда 12 фоиздан 39 фоизга кўтарилди. 4 та янги мактаб барпо этилиб, 37 таси мукамал таъмирланди. 30 та мактабда касб ўргатиш амалиёти йўлга қўйилди. Республика фан олимпиадаларида воҳа ёшларининг натижаси 14-ўриндан 4-ўринга кўтарилди.

Уларнинг барчаси кенг ва соғлом тафаккурга эга, баркамол авлодини воёга етказиш йўлидаги муҳим қадамлар.

“Сўнги кўнғироқ”. Бу хайрлашув ортида катта умид, эзгу орзу ва янги марралар мужассам. Мактаб билан хайрлашаётган ёшлар эртанги янги Ўзбекистоннинг таянчи, илм-фан, технология ва тараққиёт драйверларига айланиши шубҳасиз.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Камолахон АБРОРХОНОВА, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Бугун мамлакатлар тараққиёти инсон капитали, яъни билимни, тафаккури теран, маънавий етуқ ёшлар билан белгиланиши ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу тўғри таъкид. Зеро, келажак бугунги ёшлар қўлида, уларнинг билими ва илmidи.

Президентимиз куни кеча мактаб битирувчиларига йўллаган табригида ҳам бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, бугунги битирувчи эртанги муҳандис, шифокор, олим, шоир, адиб, тадбиркор, Учинчи Ренессанс бунёдкори ҳамда янги Ўзбекистоннинг энг катта ишончи ва таянчи эканини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, сўнги йилларда мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш тизими

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ИСЛОХОТЛАРНИНГ АСОСИЙ УСТУНИДИР



тубдан ўзгарди. Эндиликда муаммо юқоридан туриб эмас, балки маҳалланинг, мактабнинг ўзида, ёшларнинг ёнида туриб ҳал қилинмоқда. Бу ёндашув уларнинг таълим олиши, касб эгаллаши, иш билан банд бўлиши ва энг муҳими, жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қилмоқда. Ёшлар тарбиясида фақат моддий имкониятлар етарли эмас. Энг муҳим омил — маънавий муҳит. Соғлом муҳит бўлса, ёшларнинг дунёқараши тўғри шаклланади. Китобхонлик, спорт, санъат, жамоавий тадбирлар орқали ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши, зарарли оқимлар таъсиридан узоқ бўлади.

Ҳозирги кунда юртимиз мактабларига, касб-хунар коллежларига, олий таълим тизимига қаратилаётган эътибор Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга пухта замин яратяпти.

Мактаб битирувчилари учун мамлакатимиздаги 207 та олийгоҳ ва 643 та техникум замонавий билим, касб ва маънавиятга тийёр. Тиришқоқ, ўз кучини ишонган ёшларимиз ҳали мактабни тугатмасдан туриб, юртимиздаги, чет элдаги нуфузли олийгоҳларга киришга улгураётгани эса янада қувонarli. Масалан, жорий йил 171 ёш дунёнинг етакчи университетларига, яна минглаб

битирувчилар мамлакатимиздаги олийгоҳларга қабул қилинди.

Табрикдаги яна бир жиҳат — китобхонлик ҳам алоҳида урғу берилди. Бугунги тез ўзгараётган даврда ҳаётга, унинг кескин талабларига тайёр бўлишда энг яқин дўст ва энг кучли қурол китоб экани эслатилди, китобга ошно бўлиш уқтирилди. Гап китобхонлик ҳақида кетар экан, янги Ўзбекистонда мутолаа маданияти, китобга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганини аллақачон ҳис этиямиз, сезяпмиз. Китобхонлик миллимиз, ҳалқимизнинг келажиги, мамлакат рақобатбардошлигини таъминлайдиган бекиё маънавий кучга айлангани ҳозирги сый-ҳаракатларда яққол кўзга ташланади.

Бундан бир неча кун аввал китобхонликни умуммиллий халқ ҳаракатига айлантириш йўлида тарихий қадам қўйилганди. Яъни энди мамлакатимиз бўйлаб “Миллий китобхонлик ҳаракати” дастури амалга оширилди. Мазкур дастурнинг финал bosқичи Президент даражасида ўтказилди. Унинг умумий йиллик мукофот фонди 240 минг долларни ташкил этади. Бош соврин соҳиби 50 минг доллар билан тақдирланади. Бу мамлакатимиз тарихида китобхонлик бўйича энг салмоқли мукофотдир. Ҳаракат юртимизнинг барча ҳудудларини тўлиқ қамраб олади. Унда умумтаълим мактаблари, жумладан, 1-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчилар иштирок этади.

Умуман, юртимизда ёшлар таълим-тарбиясини тизимли тақомиллаштиришга миллат келажигига дахлдор сиёсат сифатида қаралаётгани ҳар жиҳатдан ўринли ва тўғри. Президентимиз таъкидлаганидек, қайси хонадонда китоб ўқилса, ўша оилда билим ва маънавият бўлади. Қайси жамият кўп ўрганса, изланса, ўша жамият, албатта, тараққиёти этади.



Камолот калити

Аниқ фанлар юртнинг илмий тараққиётига мўъжизалар яратди, адабиёт эса ҳақиқий ватанпарварларни тарбиялайди, воғга етказди. Китоб барча яхши хулқ ҳамда мукаммал билимлар асоси.



Сайёра ТҶИЧЕВА, ҳакамлар ҳайъати аъзоси, профессор

Хар қандай миллатнинг буюклиги, аввало, унинг илмга муносабати ва китобхонлик маданиятида яққол намоён бўлади. Улуғ мутафаккирларимиз — Имом Бухорийнинг “Ал-жоме ас-саҳиҳ”, Имом Термизийнинг “Сунани Термизий”, Муҳаммад Хоразмийнинг “Ал-жабр вал муқобала”, Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунари”, Абу Райҳон Берунийнинг “Саъхатнома”, Алишер Навоийнинг “Хамса”, Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жаҳиди Кўрагоний” каби асарлари қадимий туркий маърифатнинг шоҳ асарлари бўлган.

Инсон тафаккурини ва дунёқарашини ўзгартириб юборадиган, эзгу мақсадлар сари йўллайдиган адабиётларни ўқиш, таҳлил ва тарғиб қилиш масаласининг давлат сиебати даражасига кўтарилгани эса янги Ўзбекистон келажиги учун стратегик инвестиция бўлиб, билимдон ёшларнинг олтин фондиди яратишга кенг йўл очмоқда.

Яқиндагина Халқаро конгресс марказида Ўзбекистонда китобхонлики ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга старт бериш маросимида иштирок этдим.

Маълумотлар яшин тезлигида янгиланиб, глобалишиб бораётган, турли гаджетлар ва сунъий интеллект рақамлашган дунёга кескин таъсир қилаётган ҳозирги даврда китобга, мутлолага бундай эътибор эртага, албатта, катта натижаларни беради.

Китоб ўқимаган одам фикрлашдан тўхтайдди. Фикрламаган, тафаккур қилмаган одамнинг эса жамиятга фойдаси кам. Шунинг учун ҳам барча бунёдкорликнинг ва илму донишнинг асоси китобдир, деймиз.

Давлатимиз раҳбари маъруза ҳаракат мамлакатимизнинг барча ҳудудини қамраб олиши, умумтаълим мактабларининг 1-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчилари мутлола танловларида иштирок этишини эълон қилганида айни лойиҳанинг кўлами ва эртага қандай самара бериши ҳақидаги тасаввур барча зиёлиларга қанот бағишлади.

Танлов ўтган 9 йилда 5 миллионга яқин ёшани қамраб олди. 2022 йилда ушбу танловда иштирок этиш иситгани билдирган ёшлар сони 640 минг, 2023 йилда 805 минг, 2024 йилда 913 мингга ташкил этди. Бу йил эса рекорд даражада — 950 минг ўғил-қиз қатнашди.

Юртимизда ёшларнинг қалбини улғайтирадиган, дунёқарашини кенгайтирадиган ва зиёли инсонлар бўлиб етиштишига куч берадиган имкониятлар жуда кўп. Маъруза танлов ана шундай имкониятлардан. Унда китоб бор, демак, унда маърифат, тафаккур ва эзгулик мужассам. Ана шу уч тушунчага ошно инсон ҳаётда, албатта, ўз ўрнини топади. Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида юзага келган маъруза танлов туйғайли китоб ўқиган инсон ҳаётда бемалол ўз ўрнини топа олиши ҳамда бошқалардан кам бўлмаслиги ўз исботини топмоқда.

Улуғлар айтганидек, “Бир инсоннинг саботи бутун миллатни ислоҳ қилишга қодир” экани ва бу қутлуғ ҳаракат янги номларни кашф этиши тайиндир.



БИЛИМЛИ ЁШЛАР – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛАРИ Ёш китобхонлар Бекободда беллашди

Ёшлар ишлари агентлиги мутасаддилари билан бирга мамлакатнинг барча ҳудудидан тўпланган уч ёш тоифасидаги жами 42 нафар ҳудудий голиб ҳамроҳлигида биз, ҳакамлар ҳайъати аъзолари Бекобод сари йўл олдик.

Бекободдаги китобхонлик танловига кўрилган тайёргарликни кўриб, кўзимиз қуванди. Бекободликларнинг айтишича, туман аҳли бу танловга бир йил давомида тайёргарлик кўрган. Ихтисослаштирилган мактаб энг замонавий қўлайликлар асосида ҳозирланган бўлиб, ота-оналар ҳамда иштирокчилар учун тайёргарлик хоналари, ётоқхона ва маънавий-маърифий тадбирлар учун шариотлар пойтахтидагидек юқори савияда яратилган.

Депутат Ёқутхон Мўминовнинг таъкидлашича, “Хар мактабга 100 китоб” ташаббуси доирасида йил давомида тумандаги 60 та умумтаълим ва 3 та хусусий мактабга жами 20 мингга яқин адабиёт совға қилинган. Ушбу адабиётлар хар бир мактабга 500 дан зиёд академик, олим, шоир, ёзувчи ва журналистларнинг дастхати билан топширилди. Шунингдек, 51 маҳаллада кутубхоналар очилиб, аҳолининг мутлола қилиши учун зарур шариот яратилмоқда. Биз маҳаллалардаги



китоб фондлари ва қўлайликларни кўзимиз билан кўрдик, китобхон онахонлар билан қизгин суҳбатлар курдик. Тумандаги 42-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Одинахон Сувонқулова “Ёш китобхон — Kids” республика танловида 1-ўринни эгаллаб, туман ёшларининг энг фаол китобхонига айланибди. Китобхон қизининг хонадонига 5000 та китобдан иборат кутубхона ташкил этишга эса туман фаоллари бевосита бош-қош бўлибди.

Бекобод марказий кутубхонаси куриб битказилди ва яқин кунларда — юртимиз мустақиллигининг 35 йиллиги байрами арафасида китобхонларга фойдаланиш учун топширилади. Шунинг учун ҳам “Ёш китобхон” республика танловининг финал босқичига айнан Бекободда старт берилди!



“Афсона” ёшлар боғида миллий либосда, нону туз билан кутуб олган туманининг барча ёшлар етакчилари танлов охиригача — беллашув жараёнида биз билан бирга бўлди.

Илм — инсоният гавҳари

Шундай қилиб, беллашув бошланди. Ниぞмга асосан, танлов беш босқичда ташкил этилди: биринчиси — аризалар қабул қилиш ва маҳалла босқичи, иккинчиси — сектор босқичи, учинчиси — туман (шаҳар) босқичи, тўртинчиси — ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) босқич, бешинчиси эса республика босқичи. Финалда “Бадиий асарлар билимдони”, “Тезкор савол-жавоб”, “Буюк мутафаккир ва адиблар асарлари баёни”, “Шеърят” ҳамда “Квест” шартлари асосида мурасасиз беллашувлар бўлиб ўтди.

Танлов иштирокчилари Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек сингари улуг мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва ижодиидан, шунингдек, Жек Лондон, Габриэль Гарсиа Маркес, Марк Твен, Лев Толстой, Тўлепберген Қайиббергенов, Ибройим Юсупов, Кенгесбой Каримов каби хорик ва қардош адабиёт вакиллари, қолаверса, Чўлпон, Фафур Гулом, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Халима Худойбердиева, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Турсунбой Адашбоев, Дилшод Ражаб сингари ўзбек адабиёти даргаларининг асарларини таҳлил қилди ҳамда асар қаҳрамонларининг ибратли ишлари ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берди.

Ёшларнинг дostonлардаги афсонавий қаҳрамонлар кечинмаларини, мумтоз адабиёт вакиллари асарларидаги инсон шижоати ва сабу тоқати, қардош халқлар адабиёти даргалари тасвирланган тақдир зарбаларига мардонавор юз тутган замондошлар ҳаёти, жаҳид боболаримизнинг эл саводхонлиги йўлидаги ёрқин амалларини, атоқли шоирларимизнинг ўтли шеърий мисраларини ҳамда болалар адабиётининг сара асарларидаги сатрларни катталардек ҳаётий мисоллар орқали бутунги ислохотларга боғлаб сўзлаб бериши жуда мароқли кечди.

Иштирокчиларнинг энг кичиги 10, энг каттаси эса 29 ёшда. Ўн ёшли болалар 40-50 тагача китоб ўқиб, мушоҳада ва таҳлил қилиб берди. Булар оддий китоблар эмас, балки жаҳон адабиёти дурдоналари ҳамда ўзбек адабиётининг сара асарларидир. Шунингдек, улар мураккаб иншолар ёзди, турли тезкор саволларга жавоб берди. Кўриниб турибдики, бу танлов болалар, ўсмирлар ва балоғат ёшидаги китобхонларни катта саҳаларда ўз мустақил фикрини дадил ҳимоя қилишга ўргатгани, китоб уларнинг онгу шуурида ўзига ишонч, дадиллик ва маҳорат олиб кирганини кўрсатиб бергани билан гоёг аҳамиятлидир.

Танлов иштирокчиларининг дил сўзлари самимий ва ҳаяжонли. “Китоб ўқиш орқали инсоннинг онги ўсди, маданияти юксалди. Ёшлар китобга муҳаббатини мана шу танловдан топиши мумкин”, дейди танлов иштирокчиси Райҳона Абдулалимова. Яна бир иштирокчи Чарос Камолова эса “Танлов менга вақтимни тежашни ўргатди. Вақтимни тўғри бошқаришни ўргандим. Хар бир инсоннинг ўз дунёси бўлади. Ушбу танлов туйғайли дунёқарашни кенгайтиди, нутқим раванлашди ва энг муҳими, мустақил фикрлашни ўргандим”, деб фикрини билдирди.

Оналари билимдон мамлакатнинг болалари ҳам билимдон бўлади. “Бизга яхши оналарни беринг, шунда биз яхши инсонлар бўлиб етишамиз. Чунки оналар миллатнинг биринчи тарбиячиларидир” деган машҳур сўзлар бежиз айтилмаган. Манганалик иштирокчи Абдулазизнинг онаси Наима Йўлталиева фарзанди билан бирга 40 та бадиий асарни ўқиб, таҳлил қилиб чиққан.

— Бундай танловлар болаларга жуда катта имкониятлар эшигини очмоқда. Президентимизнинг ушбу ташаббуси халқимизни китобхон миллатга айлантирмоқда. Китоб ўқиш орқали ўғлим Абдулазиз республика миқёсидаги катта танловларда голиб бўлиб, юқори натижаларга эришяпти. Ушбу танловда 5 йил қатнашиб, бешинчи йили республика босқичига етиб келди, — дейди у. — Онада катта фарзад китоб ўқий бошлади, унга ота-она ҳамкорлик қилди, кейинги фарзандлар ҳам унга эргашди ҳамда онада китобхонлик муҳити шаклланди. Бола китоб ўқиши учун, аввало, онанинг ўзи китоб ўқиши керак. Мен ўғлим билан 40 та китобни тенгма-тенг, елкама-елка ўқиб чиқдим. Улар бўйича савол-жавоб, муҳокама қилдик ҳамда бутунги ҳаётга боғладик. “Мана шу асар сенга нима берапти?” деб аввал унинг фикрини сўрайман. Кейин биргалишиб хулосани умумлаштирамиз. Бу одат фарзандида катта ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Чунки у энди ўз сўзини дадил айта олади, ноўрин фикрларга кўр-қўрона қўшилмайди. Энг асосийси, жамиятда ўз ўрнини топа олишига мустаҳкам ишонч бор.

Бу ерда энг билимдон, энг зўрлар танловда. Чунки Президент совғаси бўлмиш автомобилни қўлга киритиш осон эмас. Бадиий ва мангикий фикрлаш, иншо ёзиш шартлари мавжуд. Иншони ким яхши ёза олади? Албатта, кўп асар ўқиган бола! Бу танлов иштирокчиларнинг барча қобилиятини синондан ўтказмоқда. Ота-онани китоб ўқиган болани китоб ўқийди. 10-14 ёшларлар тафсилати иштирокчиси Навбахорнинг устози, Қизилтепа туманидаги 14-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Устазода Остонанинг мулоҳазалари буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг “Дунёда икки турли инсон ҳақиқий инсон саналади: бири ўргатувчи, яна бири ўрганувчи” деган ҳикматидаги бир олам маънони эслатгандек бўлди.

Адолат мезонлари

Танлов жараёнида адолат мезонлари асосий ўринни эгаллади. Бундай танловнинг қиёси, муқобили бошқа мамлакатларда йўқ. Бу танлов мамлакатимиз раҳбарининг бевосита назарида турар экан, биз уни хар жиҳатдан тараққий эттиришимиз, иштирокчиларни хар доим тўғри ва адолатли баҳолаб, чин маънодаги ҳақиқий китобхонни топиб, унга Президент совғасини тақдим этмоғимиз лозим.

— Муҳим бир жиҳати борки, биз китоб ўқийётган бу ёшларни танлов мутлоқа адолатли, холис, очик-ойдин ва шаффоф ҳолатда ўтказилаётганига ишонтира олдик. Биз учун энг катта муқофот шундир, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, профессор Баҳодир Каримов. — Қарда китобхон йиллигининг бўлса, қаерда китоб ҳақида фикр айтилса ва қайси ҳудудда китоб борасида тадбир ташкил этилиб, ўша ерда ёш китобхонлар жамланиб, уларнинг ёнида ҳакамлар пайдо бўлса, ўша жой мамлакатнинг маънавий маркази саналади. Мен бугун Бекободни ана шундай марказ деб биламан. Чунки биз танловни пойтахтимизда қандай ўтказган бўлсак, бу ерда ҳам худди шу даражада — юқори савияда ташкил қилинган. Мамлакатимизнинг 14 ҳудудидан келган болалар Бекободда ташкил этилган ушбу танлов ҳақидаги ёрқин тасвурларини ўзлари билан бирга олиб кетади ва буни умрбод фахр билан гапириб юради.

Шундан сўнг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими Эшқобил Шукурга юзландик.

— 10-14 ёш тоифасидаги болалар биринчи синон шартини — “Бадиий асар билимдони” шартини бажаришди, — дейди у. — Бу шартда 300 бетли китобдан 5-6 сатрли матн ўқиб эшиттирилади. Бола эса бу матн қайси асардан олингани ва унинг муаллифи ким эканини аниқ топиши керак. 14 иштирокчидан 11 нафари тўғри жавобни топди! Мен бу танловда хар йили қатнашаман, лекин ҳали бунақа юқори натижани кўрмаган эдим. Мен катта кўрсаткич. 11 бола асарнинг ва муаллифининг аниқ номини айтиб, китобини тўлиқ шарҳлаб берапти. Энг муҳими, биз болаларимизнинг дунёқарашини ва тафаккурини тобора ўсиб бораётганини кўряпмиз.

Танлов эксперти, “Маърифат” газетаси бош муҳаррири Хусан Нишонов эса жараёни бундай шарҳлади: “Ҳозирги ёшларга қараб, тараққий нақадар тезлашиб кетганига гувоҳ бўляпмиз. Ўғил-қизларимиз болалигиданоқ ўз олдига аниқ мақсад қўйишни ўрганишмоқда. Шу маънода, “Ёш китобхон”

танлови уларга ўзлари танлаган тўғри йўл сари ўзига хос йўланма бермоқда. Бу танлов ёшларга вақтинги тўғри тақсимлашни, фақатгина керакли ва фойдали машғулотлар билан шуғулланишни ҳамда ўз келажagini болалигиданоқ қуришни ўргатмоқда. Иштирокчилар сони кўпайибгина қолмай, сифат даражаси ҳам ошиб бормоқда”.

Юрт ифтихорлари

2017 йилдан бери ўтказиб келинаётган маъруза танлов кўплаб янги номларни кашф этди ва китоб ўқиш орқали қандай катта натижаларга эришиш мумкинлигини бутун элга кўрсатди. Ўтган 9 йилда юксак билим ва қобилиятга эга ёшлардан 26 нафари Президент совғаси бўлими бош муқофот — автомобилларни қўлга киритди.

Энг ифтихорлиси шундаки, мана шу голибларнинг ўндан ортинги “Эл-юрт умиди” жамгармаси орқали жаҳоннинг илғор ОТМлари 100 талигига кирган нуфузли олийгоҳларда таълим олмақда.

Масалан, қорақалпоғистонлик ёш китобхон Шаҳзода Учирмбоева ва самарқандлик голиб Моҳинос Шомуродова Зулфия номини давлат муқофоти билан тақдирланган бўлса, билимдон ёшлардан Маҳмуд Уроқова ва Шоҳсанам Холбоева “Келажак бунёдкори” медали, андижонлик голиба Фотимахон Маматалиева эса “Шухрат” медали билан муқофотланди. Бу китобхон ёшларнинг истеъдоди ва узуклиги давлатимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётганидан дарак беради.

Жорий йилги республика танловида 10-14 ёш тоифаси голибаси — бухоролик Фарзона Носирова, 15-19 ёш тоифаси голиби — жижзахлик Жасурбек Абдуғафоров, 20-30 ёшлилар тоифаси голибаси — сурхондарёлик Фазилат Дибёрова Президент совғаси — “BYD Chazor” электромобилига муносиб кўрилди. Иккинчи ўрин соҳибларига 75 миллион сўмдан, учинчи ўрин соҳибларига 50 миллион сўмдан, қолган барча иштирокчига эса 10 миллион сўмдан пул муқофоти топширилди.

10-14 ёшли иштирокчилар орасида голиб деб топилган Фарзона Носирова бундай ҳақиқий —

— Ўзбек ва қардош халқларнинг оғзаки ижодини ўрганишга аҳд қилганман. Достонларни, эртак ва мақолларни ёдлаб юрардим. Онам ҳамда она тили ва адабиёт ўқитувчим билан “Кунтуғмиш”, “Тўрўғли”, “Алпомиш” каби достонлар борасида кўп савол-жавоб қилганмиз. Бу муқофот зиммамга катта масъулият юклайди. Демак, ҳали янада кўп ўқиниш керак.

15-19 ёшлилар тоифасида голиб бўлган жижзахлик иштирокчи Жасурбек Абдуғафоров Президент совғаси — “BYD Chazor” электромобилини қабул қилиб олган экан, қувончи ичига сиғмай, фахр билан бундай дейди: “Ушбу автомобил ота-онамга ва шоир бобомга меннинг совғам бўлди. Мутлола билан шуғулланиб, китобга меҳр қўйган ёшларни шундай юксак муқофотлаган давлатимиз раҳбарига минг раҳмат!”

20-30 ёшлилар орасида голиб деб топилган сурхондарёлик Фазилат Дибёрова эса: “Китобга чин муҳаббат, меҳнатдан қочмаслик ва доимо олга интилиш оддий бир ўқитувчининг ҳаётига мана шундай катта эътирофларни олиб кириши ҳақиқат экан. Мен бунга ўз ҳаётим мисолида тўлиқ амин бўлдим. Президентимизнинг табригидан ўзим, бутун оилам, ота-онам, қайнона-қайнатам ҳамда ўқувчиларим беҳад хурсанд бўлдик. Мен китобхонликни ва мутлола билан бундан кейин ҳам кенг тарғиб қиламан. Чунки дунёда китобдек беминнат дўст йўқ”, дейди.

Голибларнинг самимий кўрсатилган меҳр ва ишончини кўриб, хаёлимдан бундай фикр ўтди: қайси юртда истеъод ва иқтидорга, ёшларни тарбиялаш ишларига давлат сиебати даражасида юксак эътибор қаратилар экан, ўша юртининг эртаси, албатта, ойдан ва порлоқ бўлай!

Зотан, буюк аллома Жалолиддин Румий таъбири билан айтганда, “Ҳаётда муваффақият қозониш учун уч нарсаси керак: диққат, интизом ва ҳаракат”. Мана шу уч мезонни ўзи учун шир қилиб олган голиб китобхонларимизни бутун юрт оқибатига қўқиб эълан қилиш керак. 14 иштирокчидан 11 нафари тўғри жавобни топди! Мен бу танловда хар йили қатнашаман, лекин ҳали бунақа юқори натижани кўрмаган эдим. Мен катта кўрсаткич. 11 бола асарнинг ва муаллифининг аниқ номини айтиб, китобини тўлиқ шарҳлаб берапти. Энг муҳими, биз болаларимизнинг дунёқарашини ва тафаккурини тобора ўсиб бораётганини кўряпмиз.

Танлов эксперти, “Маърифат” газетаси бош муҳаррири Хусан Нишонов эса жараёни бундай шарҳлади: “Ҳозирги ёшларга қараб, тараққий нақадар тезлашиб кетганига гувоҳ бўляпмиз. Ўғил-қизларимиз болалигиданоқ ўз олдига аниқ мақсад қўйишни ўрганишмоқда. Шу маънода, “Ёш китобхон”

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ. Бош муҳаррир: Салим Дониёров. МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов. Мусаҳҳиб: Шерзод Маҳмудов. Дизайнер: Зафар Рўзиев. Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй. Ўза якуни — 21:50. Топширилди — 23:20.